
**TENDENCIES OF DEVELOPMENT OF PUBLIC RELATIONS AND SPECIFIC
PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL CONDITIONS**

Yarmanova Yulduz

Lecturer at Karshi State University

ANNOTATION

Well-known philosophers and thinkers who thought about social problems in every historical period focused on the goals of education, that is, on the personal ideal that corresponds to the level of culture that society has achieved in this period.

Keywords: Avesto, Historical Conformity, Abu Nasr Farooobi, tendencies.

INTRODUCTION

Принциплар тарбияни амалга оширишнинг умумий йўналишини таъминлайди, шахснинг ижтимоий ва индивидуал тажрибасини ташкил этиш жараёнида аниқ педагогик муаммоларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади, унинг ривожланишининг тарихий ижтимоий-маданий ва психологик-педагогик шартларини очиқ беради.

Улардан энг муҳими, маданий тарихий мослик, табиатнинг уйғунлиги, шахс ва жамоатчилик, диалектик бирликнинг ўзаро боғлиқлиги, шахснинг жамиятда индивидуаллашиши ва ўзини ўзи англаши, биз уларни тарихий мавжудлигининг ижтимоий-маданий контекстида кўриб чиқамиз.

Бола шахсининг индивидуал сифатлари аввало оила муҳитида таркиб топса, аста-секинлик билан тарбия топадиган таълим муассасаларида кўзга ташлана боради. Шу боисдан ҳам инсоният маданияти тарихининг илк даврлариданоқ болани шахслараро муносабатларга, айниқса, унда ота-она ва фарзандлар ҳамда болаларнинг ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор бериб келинган. Бу мавзунинг узок ўтмишга эга эканлигини биз деярли барча халқ оғзаки ижодиёти намуналари мисолида кўришимиз мумкин. Жамоавий муносабатларнинг илк илдизи оилавий муносабатлар, ота-она ва фарзандлар ҳамда қон-қариндошлик алоқалари замирида кўришимиз мумкин. Қадимдан қариндошлик, қўни-қўшничилик каби масалалар нафақат диний, балки бошқа ижтимоий муносабатлар доирасида ҳам муҳим ўрин тутган. Бунинг моҳияти эса жамоавий муносабатларда шахснинг хулқини тарбиялашга қаратилади. Қариндошлар билан алоқани узган, қўшнилар олдидаги фарзни бажармаган инсон албатта қораланади. Буни қуйидаги ҳадис билан изоҳлаш мумкин: "...қўшнининг уйда бирор хашарми ё бошқа юмуш бўлса, ёрдам сўраганида кўмаклашинг".

MAIN PART

Одамларнинг жамоа бўлиб яшаш тамойилларига "Авесто"да, қадимги манбаларда, Суқрот, Афлотун, Арасту, Ўрта Осиё мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Баҳоуддин Накшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломалар меросида алоҳида аҳамият берилган.

Абу Наср Форобий ўз асарларида жамоа бўлиб яшашга табиий мойиллик инсон турмуш тарзининг мазмунини ташкил этишини уқтирган. У бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилган: "Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабаб яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига

яшаши ва етукликка эришиши учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради...”.

Шунингдек, шаркнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний жамоавий муносабатларни таркиб топишида яқин қариндошлик муносабатини йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлайди. Бу масала тўғрисида аллома шундай деб ёзади: “Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан биргаликда яшашга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларини таъминлаш учун зарур ишларни бажаришдир”¹ [1-10].

Жамоавий муносабатлар масалаларига оид ўзининг диққатга сазовор қарашлари билан фарқланиб турувчи Шарк мутафаккирларидан яна бири Абу Али ибн Синодир. Ибн Синонинг педагогик ва психологик қарашлари ижтимоий асосда қурилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилларнинг қўлланишини ёқлаб чиқиб, болани жамоада тарбиялаш муҳимлигини илмий исботлаб бера олади.

Мутафаккир жамоада тарбиялаш масаласини қуйидаги ижобий жиҳатларини санаб ўтади:

- ўзаро суҳбатда болалар бир-бирларига катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар;

- болалар бирга тўпланганларида бир - бирларини хурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдамлашадилар, бир - бирларининг яхши одатларини ўрганадилар.² [3;174]

Педагогика тарихини ретроспектив таҳлили асосида шуни таъкидлаш жоизки, жамиятнинг шахс шаклланишига мақсадли таъсири масаласи қадимги даврларда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Хусусан, Афлотун ўзининг умумий фалсафий қарашларига асосланиб, нафақат таълимнинг имконияти ва зарурлигини асослабгина қолмай, балки унинг фикрига кўра, уйғун ижтимоий ҳаётни таъминлаши керак бўлган шаклларни ҳам аниқлади. У бундай ҳаёт давлатнинг болаларни тарбиялашга бўлган ғамхўрлиги шароитида амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида ёзади. Унинг қарашларидаги кўплаб қарама-қаршилиқларга қарамай, масалан, у оилавий тарбия ролидан бош тортган бўлса ҳам, тан олиш керакки, у тарихда биринчи марта жамоатчилик тарбия назарияси ва амалиёти концепциясини фалсафий нуқтаи назардан асослаган.

Плутархнинг фикрига кўра, болани тарбиялаш ота ва онанинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаслиги керак, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишининг ўзига хос хусусиятларига қараб белгиланиши ва тенгдошлар гуруҳида шахснинг қатъий тартибга солинган жамоатчилик тарбияси орқали эришилиши керак.

А.Маслоунинг замонавий ўзини ўзи англаш концепцияси, ўз-ўзини фаоллаштиришга мойиллик шахснинг моҳияти, ядроси деган фикрга асосланади. Бу инсоннинг ўз қобилиятларини, моҳиятини доимий равишда англаш намоён эта олишидир.

Инсонни ўз-ўзини ривожлантиришнинг манбалари ва механизмларини ҳисобга олган ҳолда, ахлоқий шахс йўналишига оид тарбиявий концепциялар уларни таълим омилига бефарқ деб ҳисобламайди. Бундан ташқари, улар ташкил этилган таълим-тарбия шароитида шахсий, ўз-ўзини ривожлантириш самарадорлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, жамоавий ва индивидуал ривожланишни ташкил этишнинг асоси сифатида қайд этилган принциплар, шахснинг тажрибаси бутун тарихий даврдан ҳозирги вақтда бир қатор энг яхши педагоглар, мутафаккирларни тарбия назарияси ва амалиётида изчил очиб берилган. Ушбу принциплар

¹Беруний А.Р. "Минералогия". -Т.: 1969. - 187 б.

инсонни шахс сифатида шакллантириш ва жамоавий муносабатлар туфайли шахсни тарбиялаш жараёнида замонавий мазмун, методология ва педагогик раҳбарлик усулларини ривожлантиришга йўл очади.

Мактабгача таълим ташкилотларида ёш авлодни тарбиялаш муайян ҳаракатлар мажмуи ёки катта авлоддан ёш авлодга тажрибани бир томонлама йўналтириш сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас, балки у катталар ва болаларнинг биргаликдаги ҳаёти соҳасидаги ўзаро муносабати ва ҳамкорлиги сифатида қаралиши муҳимдир. Бу ўз давридаги бошқа одамлар орасида алоҳида ҳаёт кечираётган болалар ва катталарнинг яхлит манзарасида акс эттирилган фаолиятдир. Инсонга ўзининг яхлитлиги, космо-био-ижтимоий-маданий, тарихий аниқ, маънавий фаол мавжудот сифатида қараш тенденциялари мавжуд. Бундай шароитда эса педагогик воқелик тобора мураккаблашиб боради, унинг доирасида ҳар бир кишининг энг муҳим кундалик вазиятларда устунлигини таъминлайдиган шундай тарбиявий таъсир зарур.

Ижтимоий-маданий нуқтаи назардан ёш авлодни тарбиялаш муаммосига қаратилган замонавий ёндашувлар турличадир.

Шундай қилиб, бола шахси ривожланишининг шартлари - унга мерос бўлиб қолган, одамларнинг ўзаро муносабатлари, маданияти, тарихи, урф-одатлари, таълим тизими, мафкура ва ахлоқ ва анъаналарида намоён бўладиган ижтимоий фаолият шакллари дир. Улар боланинг келажакда шахс ривожланиши учун потенциални ўз ичига олади, бу эса болани инсоний муносабатлар тизимида ўз вақтида киритмасдан туриб амалга оширилмайди.

CONCLUSION

Шу боис биз “**жамоавий муносабатларда мактабгача ёшдаги болаларни шахсий сифатларини ривожлантириш**” тушунчасига муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагича таъриф беришга ҳаракат қилдик: мактабгача таълим ёш даврида бола ривожланишининг психо-физиологик ўзига хосликлари билан боғлиқликда жамоада мулоқот маданияти ва боланинг ахлоқий меъёрларга ижобий эмоционал муносабатини пайдо қилиш суръатини жадаллаштириш ва шахсий ахлоқий нуқтаи назарни таркиб топтиришни муваффақиятли ва самарали ривожлантириш жараёни.

REFERENCES:

1. Norov Yu. D., Turaev A. S., Urinov Sh. R. "Justification and development of new methods of blasting using the weakening of the array created by physical and chemical influences to increase their efficiency in open-pit mining" / Final report on the budget topic Item 6.2.12. Navoi, Funds, NavGGI, 2005-124 p.
2. Norov Yu. D., Urinov Sh. R., Islomov N. R., Mirzayeva F. D., Norov A. Yu., Amirkulov K. S. Substantiation and development of effective parameters of soil embankment of trench discharge charges. / Final report on the budget topic A-4-015. Navoi, Funds, NavGGI, 2008 – 135 p.
3. Nazarov Z. S., Norov Yu. D., Tukhtashev A. B., Urinov Sh. R. No. 21-3167 JUR "Boreholes portlovchi modda zaryadlarining yangi konstruksionlarini ishlab chikish", Navoi, Funds, NavGGI, 2008-130 p.
4. Urinov Sh. R., Razhabov A. I., Norov Yu. D., Zairov Sh. Sh., Toshev Zh. B., Zhuraeva S. I. Justification and development of a new design of a trench charge of explosives with an axial air cavity / Final report of the research work under the state grant 5-032. Navoi, Funds, NavGGI, 2011 – 113 p.
5. Bibik I. P., Ivanovsky D. S., Norov Yu. D., Zairov Sh. Sh., Urinov Sh. R. Development of methods for controlling the movement of multi-strength rocks by explosion energy for the discharge of borehole charges of explosives / Final report of the research work under state grant 5-033. Navoi, Funds, NavGGI, 2011 – 167 p.